“AGRO FINANS LIZING” АЖ
КУЗАТУВ КЕНГАШИНИНГ МАЖЛИС
БАЁННОМАСИ

Тошкент шаҳри 2026 йил 17 ноябрь

Қатнашдилар:
Кузатув кенгаши раиси: Ж.З.Турдиев
Кузатув кенгаши аъзолари: И.С.Аманов
В.А.Очилов
Ф.Б.Насриев
Б.А.Гулямов
Ш.Т.Очилов

Кворум: 100%
Таклиф этилганлар:
“Agro Finans Lizing” АЖ Бошқарув раисининг биринчи ўринбосари Ж.Д.Юлдашев
Жамият бош ҳисобчиси Ф.К.Чориев
Жамият Ходимларни бошқариш бўлими бошлиғи М.Р.Азимова
Жамият Юрисконсульти Д.М.Хошимова
Жамият бош ҳисобчи ўринбосари Н.А.Умбетова

Йиғилиш котибаси этиб Н.А.Умбетова бир овоздан сайланди.

Йиғилиш раиси сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 78-моддасига асосан, Кузатув кенгаши мажлисини ўтказиш учун кворум жамият уставида белгиланиши, бироқ у Кузатув кенгашига сайланган аъзоларнинг етмиш беш фоизидан кам бўлмаслиги кераклигини таъкидлаб ўтди ва мажлисда Кузатув кенгаши таркибига сайланган барча аъзолари қатнашаётганлигини инобатга олиб, йиғилишни очиқ деб эълон қилди.

Йиғилиш раиси Ж.Турдиев йигилиш иштирокчиларини жамият Кузатув кенгаши муҳокамасига киритилган кун тартибидаги масалалар билан таништирди.

КУН ТАРТИБИ:

1. “Agro Finans Lizing” АЖ Бошқарув раиси Ж.Х.Хайдаровнинг ўз хоҳишига кўра меҳнат шартномасини бекор қилиш юзасидан аризасини кўриб чиқиш тўғрисида.
2. “Agro Finans Lizing” АЖ Бошқарув раиси вазифасини вактинча бажарувчисини тайинлаш тўғрисида.

1. Кун тартибидаги биринчи масала бўйича йиғилиш раиси Ж.З.Турдиев сўзга чиқиб, “Agro Finans Lizing” АЖ Бошқарув раиси Ж.Х.Хайдаровнинг жорий йилнинг 17 ноябрдаги ўз хоҳишига кура мехнат шартномасини бекор қилиш тугрисидаги аризасини ўқиб эшиттирди. Ариза мазмунига кўра соғлиги ҳолатини инобатга олган ҳолда ҳозирги вақтда эгаллаб турган лавозимида хизмат фаолиятини давом эттиришини имконияти мавжуд эмаслиги сабабли 2026 йил 17 ноябрдан у билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилишини сўраган.

Жамиятнинг Ходимларни бошқариш бўлими бошлиғи М.Азимова сўзга чиқиб, йигилиш иштирокчиларига Меҳнат кодексининг 160-моддаси 8-қисмига кўра, меҳнат шартномасини ходимнинг ташаббусига кўра бекор қилиш тўғрисидаги ариза ходим ўз ишини давом эттириши мумкин эмаслиги билан боғлиқ бўлган ҳолларда иш берувчи меҳнат шартномасини ходим илтимос қилаётган муддатда бекор қилиши кераклиги тўғрисида

маълумот берди. Аризада келтирилган айнан соғлиғи ҳолати ҳам иш берувчи меҳнат шартномасини ходим илтимос қилаётган муддатда бекор қилишига асос бўлишини таъкидлади.

Юқоридагиларни инобатга олиб, йиғилиш раиси жамият Бошқарув раиси Ж.Х.Хайдаров билан тузилган меҳнат шартномасини 2026 йил 17 ноябрдан бекор қилинишини таклиф қилди.

Таклиф овозга қўйилди.

Овоз бериш натижалари:

“Тарафдор” - 6 овоз, “Қарши” - 0, “Бетараф” - 0.

2. Кун тартибидаги иккинчи масала бўйича йиғилиш раиси Ж.З.Турдиев сўзга чиқиб, “Agro Finans Lizing” АЖ Бошқарув раиси вазифасини вақтинча бажариш жамият Бошқарув раисининг биринчи ўринбосари Юлдашев Жамшид Джумабаевич зиммасига юклатилишини таклиф қилди.

Кун тартибига қўйилган масалалар кўриб чиқилди ва муҳокамадан сўнг, “Agro Finans Lizing” АЖ Кузатув кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. “Agro Finans Lizing” АЖ Бошқарув раиси Ж.Х.Хайдаров билан тузилган меҳнат шартномаси ходимнинг ташаббусига кўра Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 160-моддаси 8-қисмига асосан 2026 йил 17 ноябрдан бекор қилинсин.

2. Жамият Ходимларни бошқариш бўлими М.Азимова зиммасига буйруқ лойиҳасини тайёрлаш ва имзолаш учун тақдим этиш вазифаси юклатилсин.

3. “Agro Finans Lizing” АЖ Бошқарув раиси вазифасини вақтинча бажариш жамият Бошқарув раисининг биринчи ўринбосари Юлдашев Жамшид Джумабаевич зиммасига юклатилсин.

4. Вазифани юклаш тўғрисидаги буйрукни ўрнатилган тартибда расмийлаштириш Бошқарув раиси вазифасини вақтинча бажарувчи Ж.Юлдашевга юклатилсин.

5. Баённома 2026 йил 17 ноябрда тузилди ва имзоланди.

Йиғилиш раиси **Ж.З.Турдиев**

Кузатув кенгаши аъзолари **И.С.Аманов**

В.А.Очилов

Ф.Б.Насриев

Б.А.Гулямов

Ш.Т.Очилов

Йиғилиш котибаси **Н.А.Умбетова**

“Agro Finans Lizing” АЖ Бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари **Ж.Д.Юлдашев**

Жамият бош ҳисобчиси **Ф.К.Чориев**

Жамият Ходимларни бошқариш бўлими бошлиғи **М.Р.Азимова**

Жамият Юрисконсульти **Д.М.Хошимова**